


O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIY TARAQQIYOT VA KAMBAG'ALLIKNI  
QISQARTIRISH VAZIRLIGI



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
«АҲОЛИ БАНДЛИГИ ТҮҒРИСИДА»  
ҚОНУНИГА ШАРХ

ТОШКЕНТ  
2021 йил

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ «АҲОЛИ БАНДЛИГИ ТҮҒРИСИДА» ҚОНУНИ

Қонун: 2020 йил 20 октябрда (ЎРҚ-642-сон) қабул қилинган,  
19-боб, 123-моддадан иборат

**1-боб.** Умумий қоидалар

**2-боб.** Аҳоли бандлиги соҳасини тартибга солиш

**3-боб.** Субсидиялар, грантлар, кредит линиялари

**4-боб.** Иш ўринларини ташкил этишга доир давлат буюртмаси

**5-боб.** Маҳаллий меҳнат органлари томонидан иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга хизматлар кўрсатиш

**6-боб.** Иш қидираётган шахсларни маҳаллий меҳнат органлари томонидан рўйхатга олиш ва ҳисобдан чиқариш

**7-боб.** Иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш

**8-боб.** Ўзини ўзи банд қилган шахслар

**9-боб.** Аҳолининг айrim тоифаларини ишга жойлаштириш бўйича кафолатлар

**10-боб.** Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш

**11-боб.** Ишсизлик нафақасини тўлаш

**12-боб.** Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш

**13-боб.** Иш қидираётган шахсларни ҳамда ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

**14-боб.** Касбий малака ва билимларни ривожлантириш миллий тизими

**15-боб.** Аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсати амалга оширилишини молиялаштириш

**16-боб.** Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги меҳнат фаолияти

**17-боб.** Чет эллик фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидаги меҳнат фаолияти

**18-боб.** Меҳнат бозори ва аҳоли бандлиги инфратузилмасини ривожлантиришга доир ахборот технологиялари

**19-боб.** Яқунловчи қоидалар.

## Аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуидагилардан иборат

**1.** Иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантириш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш, шу жумладан иш ўринларини ташкил этишга доир давлат буюртмасини ҳамда иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ҳамда уларнинг малакасини оширишга доир давлат буюртмасини шакллантириш орқали кўмаклашиш.

**2.** Ишсиз шахсларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, ишсизликни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш.

**3.** Ёшларни, айниқса қишлоқ жойлардаги ёшларни, умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим ташкилотлари, касб-ҳунар мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, техникумлар, олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш.

**4.** Аҳоли бандлиги соҳасида замонавий касбий стандартларни жорий этиш, меҳнатни нормалаштириш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш механизmlарини такомиллаштириш.

**5.** Аҳоли бандлиги соҳасида аёллар ва эркаклар учун тенг хуқуқлар ҳамда имкониятларни таъминлаш.

**6.** Ишга жойлаштириш жараёнларига илфор ахборот технологияларини жорий этиш, аҳолининг ишга жойлашишига кўмаклашиш бўйича хизматлар бозорида замонавий инфратузилмани ва рақобат муҳитини яратиш.

**7.** Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишга жойлашишида кўмаклашиш, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида уларнинг хуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш.

## Ваколатли давлат органлари қуйидагилар ҳисобланади ҳамда Қонунга мувофиқ уларнинг вазифалари белгилаб берилган

- Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
- Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги
- Ҳудудий ва маҳаллий меҳнат органлари
- Давлат бошқаруви органлари
- Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари

### Субсидиялар

**Субсидия бандликни рағбатлантириш ва тадбиркорликка жалб этиш учун Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган молиявий кўмақдир.**

#### Субсидиялар:

- иш берувчиларга маҳаллий меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки уларнинг малакасини оширишга доир харажатларнинг ўрнини қоплаш учун;
- тадбиркорлик фаолиятини бошлишни хоҳловчи иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга якка тартиbdаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, шу жумладан штамплар ва муҳрлар олиш, электрон рақамли имзо олиш, тадбиркорликка ўқиш харажатларини тўлаш ва кредитни олиш чоғида суғурта полиси ҳақини тўлаш учун;
- аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларидан бўлган шахсларни иш ўринларининг белгиланган энг кам сонидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга;
- жисмоний шахсларга енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш, уруғликлар, кўчатлар, суғориш воситалари олиш учун ажратилади.

Қошимча: Субсидияларни тақдим этиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

## Грантлар

**Грант иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағлари ҳисобидан ажратиладиган пул маблағлари ва моддий ресурслардир.**

**Грантлар касбга ўқитиш марказларига (касб-хунар таълими муассасаларига) қуийдагиларни молиялаштириш учун ажратилади:**

- иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни, айниқса, меҳнат миграциясидан қайтиб келган фуқароларни, кам таъминланган оиласардан бўлган хотин-қизларни касбга тайёрлаш харажатларини;
- касбга ўқитиш марказларида (касб-хунар таълими муассасаларида) фермер хўжаликларининг раҳбарлари ва ходимларини, дехқон хўжаликларининг раҳбарлари ва аъзоларини, томорқа ер участкалари эгаларини агротехнологиялар, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик соҳасида касбга тайёрлашни, қайта тайёрлашни ҳамда уларнинг малакасини оширишни.

Грантлар фуқароларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун уюшган ҳолда ишга қабул қилиш доирасида фуқароларни тадбиркорлик кўнилмалари, хорижий тиллар ва касбга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун касбга ўқитиш марказларига (касб-хунар таълими муассасаларига), шунингдек ишлаб чиқаришнинг ўзида ўқитиш учун ташкилот ҳамда «уста-шогирд» мактабларига ҳам ажратилади.

Грант ажратилиши учун талабнома меҳнат бозорининг эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда, маҳаллий меҳнат органлари томонидан шакллантирилади ва ҳудудий меҳнат органларига кўриб чиқиш учун юборилади. Талабномага касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака оширишдан ўтишни хоҳловчи шахсларнинг рўйхати илова қилинади.

Грант асосида касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака оширишни касбга ўқитиш марказлари (касб-хунар таълими муассасалари) амалга ошириши мумкин.

Касбга тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва малака оширишни молиялаштириш ҳудудий меҳнат органлари ҳамда касбга ўқитиш марказлари (касб-хунар таълими муассасалари) ўртасида тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

## Кредит линиялари

**Кредит линиялари тижорат банкига тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун фақат мақсадли асосда, кредит суммасини банкнинг балансида акс эттирган ҳолда ажратиладиган маблағлардир.**

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағлари ҳисобидан кредит линиялари тижорат банкларида кейинчалик улар томонидан янги иш ўринлари ташкил этилишини назарда тутувчи лойиҳаларни амалга оширишга микрокредитлар ажратиш учун очилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари хузуридаги янги иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантириш ҳудудий жамғармалари ҳисобидан кредит линиялари тижорат банкларида қуидагилар учун:

- тадбиркорлик субъектларининг барқарор иш ўринлари ташкил этилишини, айниқса қишлоқ жойларда ташкил этилишини назарда тутувчи фаолиятини кредит билан қўллаб-қувватлаш;
- меҳнат ресурслари ортиқ даражада бўлган ҳудудларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида янги иш ўринлари ташкил этилишини назарда тутувчи корхоналар ташкил этиб, ҳудудий жамғармаларнинг ташкил этилган корхоналардаги улушини кейинчалик хусусий шерикларга реализация қилиш;
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлариiga биноан янги иш ўринларини ташкил этишга ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган бошқа тадбирларни амалга ошириш учун очилади.

### **Маҳаллий меҳнат органлари томонидан иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга уларнинг хоҳишига кўра хизматларнинг қуидаги турлари таклиф этилади**

- аҳоли бандлиги масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;
  - муружаат этган шахснинг касбий тайёргарлигига, иш тажрибасига ва меҳнат стажига, ёшига, соғлиғининг ҳолатига мувофиқ мақбул келадиган ишни таклиф этиш (мавжуд бўлган тақдирда), шунингдек Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтингчалик меҳнат фаолиятини

амалга ошириш учун фуқароларни уюшган ҳолда ишга қабул қилиш доирасида мақбул келадиган ишни излаш;

- захирага қўйиладиган иш ўринларига ишга жойлаштириш;
- Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ёки қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юбориш;
- тадбиркорликка жалб этиш, ўзини ўзи мустақил равишда банд қилишни ривожлантиришга доир фаолиятни ташкил этиш орқали бандликка кўмаклашиш;
- касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва малака оширишга юбориш;
- асбий малакани баҳолаш;
- аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга микрокредитлар олиш учун тавсиялар бериш.

Маҳаллий меҳнат органлари иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги хизматларни ҳам кўрсатиши мумкин.

Аҳолига, ташкилотларга ва бошқа иш берувчиларга меҳнат органлари томонидан кўрсатиладиган, шу жумладан меҳнат бозори ҳолати ҳақида хабардор қилиш бўйича хизматлар бепул тақдим этилади.

## **Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари жумласига қуйидагилар киради**

- ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз отага ёки онага, шунингдек кўп болали оиласарнинг отоналарига;
- умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим ташкилотларини, касб-ҳунар мактабларини, касб-ҳунар коллежларини ҳамда техникумларни тамомлаб, касбга эга бўлган ёшлар;
- «Мехрибонлик» уйларининг битирувчилари, шунингдек олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари;

• Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Миллий гвардиясининг, Давлат хавфсизлик хизматининг қўшинларидағи муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар;

- ногиронлиги бўлган шахслар;
- пенсияолди ёшидаги шахслар;
- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар;
- одам савдосидан жабрланганлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шахслар.

Иш берувчи ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган, захирага қўйилган иш ўринларига ишга жойлаштириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий меҳнат органлари ва бошқа органлар томонидан юбориладиган шахсларни ишга қабул қилиши шарт.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларни ишга қабул қилишни асоссиз равишда рад этган иш берувчи ва у ваколат берган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Қўшимча кафолатлар қўшимча иш ўринларини, ихтисослаштирилган ташкилотларни, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатидан фойдаланиш асосидаги ташкилотларни ташкил этиш, ўқитишининг маҳсус дастурларини ишлаб чиқиш, ташкилотларга иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш йўли билан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар орқали таъминланади.

## Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш шартлари

Ўн олти ёшдан то пенсия таъминоти ҳуқуқини олиш ёшигача бўлган, ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш таклиф этилса, унга киришишга тайёр бўлган ёхуд касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган, ишга жойлашишда кўмак олиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва ушбу органлар томонидан иш қидираётган шахслар сифатида рўйхатга олинган меҳнатга лаёқатли шахслар (бундан таълим муассасаларида таълим олаётганлар мустасно) ишсизлар деб эътироф этилади.

Агар иш қидираётган шахсга у рўйхатга олинган кундан эътиборан дастлабки ўн кун ичидаги мақбул келадиган иш таклиф этилмаган бўлса ёки маҳаллий меҳнат органи мазкур шахс ишга жойлаштириш учун юборилган ташкилотдан рад жавобини олган бўлса, шахсни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн биринчи кундан кечиктирмай маҳаллий меҳнат органи томонидан қабул қилинади.

Шахсни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор маҳаллий меҳнат органининг буйруғи билан расмийлаштирилади, ушбу буйруқ бир вақтнинг ўзида ишсизлик нафақаси тайинлаш тўғрисидаги буйруқ ҳисобланади. Буйруқда ишсизлик нафақасининг миқдори ва уни ҳисоблаш санаси кўрсатилади.

Ишсиз деб эътироф этилган шахс қабул қилинган қарор тўғрисида мазкур қарор қабул қилинганидан кейин икки кунлик муддатдан кечиктирмай ёзма равишда ёки телефон, электрон почта орқали хабардор қилинади. Бунда ишсиз деб эътироф этилган шахсга унинг ҳукуқ ва мажбуриятлари, маҳаллий меҳнат органига ёки ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш бўйича секторга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига бириктирилган ходим ҳузурига қайта рўйхатдан ўтиш учун мажбурий келиш санаси, ишсизлик нафақасини олиш шартлари ва жойи, шунингдек ишсиз шахс учун зарур бўлган бошқа ахборот хабар қилинади.

Шахсни ишсиз деб эътироф этиш чоғида меҳнат дафтарчасига ёзув қайд этилмайди.

Ишсиз деб эътироф этилган шахслар бепул маслаҳат олиш, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш хизматларини олиш, шунингдек маҳаллий меҳнат органлари кўмагида ишга жойлашиш ҳукуқига эга.

### Ишсизлик нафақаси:

- Белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган шахслар ишсизлик нафақаси олиш ҳукуқига эга.
- Ишсизлик нафақасини тўлаш ишсиз шахснинг яшаш жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
- Ишсизлик нафақасига солиқ солинмайди.



- Ишсизлик нафақаси ишсиз деб тан олинган шахсга у маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган биринчи кундан эътиборан ҳисобланади ва тўланади.
- Ишсизлик нафақаси ўн икки ойлик давр ичидаги кўпига билан йигирма олти календарь ҳафта давомида тўланади.
- Жорий ойда ишсизлик нафақасини тўлаш ўтган ой учун амалга оширилади.
- Тўлиқ бўлмаган календарь ой учун ишсизлик нафақасини тўлаш чоғида ишсизлик нафақаси мазкур нафақа тўланиши керак бўлган ушбу календарь ойдаги кунлар сонининг тўлиқ календарь ойдаги кунлар сонига мутаносиб миқдорда тўланади.
- Ишсизлик нафақасини олиш даврида ишсиз шахс касал бўлган тақдирда ишсизлик нафақасини ишсиз шахснинг қариндошлари (отаси, онаси, эри (хотини), вояга етган болалари) ёки беғиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида ишсиз шахснинг бошқа ишончли шахслари томонидан олишга йўл қўйилади.
- Ўз меҳнат стажини ҳужжат билан тасдиқлаш имкониятига эга бўлмаган шахсларга ишсизлик нафақасини тайинлаш чоғида уларга илгари ишламаганлар ва биринчи марта иш қидираётганлар сифатида қаралади.
- Ишсизлик нафақасини олиш даврида ишсиз шахс иш қидириши ва ишга жойлаштиришга доир йўлланма (ишга жойлашишга қўмаклашиш юзасидан мурожаатнома) ёхуд касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ёки малакасини оширишга йўлланма олиш учун икки ҳафтада камида бир марта маҳаллий меҳнат органига мурожаат қилиши шарт.